

“Auto Rubber” МЧЖ
Бош директори
Ф.Х.Марахимов
9 январь 2025 йил

“Auto Rubber” МЧЖ Комплаенс хизмати томонидан **2024 йилнинг 12 ойи давомида** жисмоний ва юридик шахслар ҳамда уларнинг вакиллари мурожаатларини кўриб чиқиш

ТАҲЛИЛИ

05.01.2025 йил

Андижон шаҳар

“Auto Rubber” МЧЖ томонидан жисмоний ва юридик шахслар, шунингдек уларнинг вакиллари мурожаатларини ўз вақтида ва сифатли кўриб чиқиш, қонун доирасида ижобий ҳал қилиш, аҳолининг тизимдан розилигини ошириш алоҳида муҳим вазифа сифатида белгиланган.

Шу жумладан, жамиятнинг Комплаенс, ишлаб чиқариш ва молиявий хавфларни мониторинг қилиш департаментига келиб тушган мурожаатлар ўз вақтида, ҳар томонлама ва тўлиқ кўриб чиқилиб, қонуний ҳал этиб келинмоқда.

Жамиятда мурожаатларни кўриб чиқишда “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонун, Президентнинг 28.12.2016 йилги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4904-сонли Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 07.05.2018 йилги 341-сонли Қарори билан тасдиқланган “Давлат органларида, давлат ташкилотларида ва давлат иштирокидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисида”ги Намунавий низом ва бошқа қонун-ҳужжатлари талабларига риоя этилмоқда.

Соҳада ишларни самарали ташкил этиш ва ходимларнинг бу борадаги масъулиятини янада ошириш мақсадида, мурожаатларни кўриб чиқиб, ҳал этишга оид муносабатларни тартибга солувчи жамиятнинг ички ҳужжатлари, хусусан, “Ўзавтосаноат” АЖда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисида”ги Низом қабул қилинган.

Бундан ташқари, “Алоқа каналлари орқали қоидабузарликлар тўғрисида “Auto Rubber” МЧЖга келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш Регламенти қабул қилиниб, жамиятдаги алоқа каналлари орқали коррупциявий хатти-ҳаракатлар ҳақида келиб тушган хабарлар билан ишлаш тартибини белгилайди.

Жамиятда 2024 йилнинг 12 ойи давомида жами 3 та мурожаатлар келиб тушган бўлиб, ушбу мурожаатлар тегишлилигига кўра, корхона бўлимларига чиқарилиб назоратга олинган.

Мазкур мурожаатларнинг 1 таси Президент Халқ қабулхонасидан, 1 таси Бош прокуратурадан, 3 таси электрон почта орқали.

Жамият томонидан ташкил этилган алоқа каналлари, хусусан “Facebook”, “Telegramm” ижтимоий тармоқлари, ишонч телефони ва расмий веб сайти орқали 3 та мурожаатлар келиб тушган.

Кўриб чиқилган мурожаатлар мазмуни таҳлил қилинганда, уларнинг 1 таси ишга жойлашиш, 1 таси ойлик иш ҳақи ва бошқа тўловлардан бўйича, 3 таси бошқа масалалар ҳақида бўлган.

Шу билан бирга, жамият ходимларида коррупцияга қарши мурасиз муносабатни янада кучайтириш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган ходимларни рағбатлантириш чоралари кўриб борилмоқда.

Ўтказилган таҳлиллар мурожаатларни кўриб чиқиш жараёнида, жамият ходимлари томонидан “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонун талаблари бузилиш ҳолатлари аниқланмади.

**Комплаенс хизмати
бошлиғи в.в.б**



А.А.Абдуқаххоров